



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 20 yil « 23 » декабрь

№ 805

Toshkent sh.

### **Баҳоловчилар ва риэлторларнинг малака имтиҳонини ўтказиш ва уларга малака сертификатини бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишининг маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида**

“Баҳолаш фаолияти тўғрисида”, “Риэлторлик фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида” 2020 йил 2 мартағи ПФ–5953-сон ҳамда “Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 24 августдаги ПФ–6044-сон фармонларига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 24 августдаги ПФ–6044-сон Фармонига мувофиқ 2021 йил 1 январдан бошлаб **лицензияланадиган баҳолаш ва риэлторлик фаолият турларининг бекор қилиниши** белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳамда Адлия вазирлигининг республикада баҳолаш ва риэлторлик соҳаларига замонавий технологияларни қўллаган ҳолда **баҳоловчилар ва риэлторларнинг малака имтиҳонларини ўтказиш ва уларга малака сертификатларини бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатилишини жорий этиш** тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

3. Кўйидагилар:

Баҳоловчиларнинг малака имтиҳонини ўтказиш ва уларга малака сертификатини бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишининг маъмурий регламенти 1-иловага мувофиқ;

Риэлторларнинг малака имтиҳонини ўтказиш ва уларга малака сертификатини бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин ҳамда 2021 йил 1 январдан бошлаб амалга киритилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳамда Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги билан биргаликда 2021 йил 1 январга қадар:

ушбу қарор билан тасдиқланган давлат хизматлари кўрсатиш бўйича маъмурий регламентларга мувофиқ давлат хизматлари кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – ЯИДХП) орқали жорий этилишини таъминласин;

ЯИДХПда давлат хизматлари кўрсатилишининг ҳар бир босқичида мурожаатларнинг кўриб чиқилишини кузатиб бориш тартибини жорий этсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги:

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан давлат хизматлари кўрсатилишининг белгиланган тартибига риоя этилиши бўйича уларнинг фаолияти юзасидан, жумладан, ЯИДХП орқали доимий назорат ўрнатсин;

ушбу қарор билан тасдиқланган давлат хизматилари кўрсатиш бўйича маъмурий регламентларнинг талаблари бузилган ҳолларда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар мансабдор шахсларига нисбатан белгиланган тартибда маъмурий жазоларни кўлласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўzlари қабул қилган норматив-ҳукуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирун.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иктисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – иктисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Кўчкоров ва Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги директори А.Ж. Ортиков зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири

А. Арипов



Вазирлар Маҳкамасининг  
2020 йил “23” дегабр даги 805-сон қарорига  
1-илова

**Баҳоловчиларнинг малака имтиҳонини ўтказиш ва уларга малака  
сертификатини бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг  
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Регламент баҳоловчиларнинг малака имтиҳонини ўтказиш ва малака сертификатини бериш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Регламентда куйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**баҳоловчи** – баҳолаш фаолиятини тартибга солувчи ваколатли орган томонидан белгиланган тартибда берилга баҳоловчининг малака сертификатига эга бўлган жисмоний шахс;

**баҳоловчининг малака сертификати** (кейинги ўринларда – малака сертификати) – жисмоний шахсга, агар у баҳоловчи ташкилотнинг масъул ходими бўлса ёки баҳоловчи ташкилот томонидан у билан фуқаролик-хукуқий тусдаги шартнома тузилган бўлса, мулкни баҳолашни амалга ошириш хукуқини берадиган сертификат. Малака сертификати беш йил муддатга берилади, унинг амал қилиш муддати беш йилга узайтирилиши мумкин;

**баҳолаш фаолиятини тартибга солувчи ваколатли орган** (кейинги ўринларда – ваколатли орган) – Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги;

**малака имтиҳони** – талабгорнинг баҳолаш фаолияти соҳасидаги касбий билимларини текшириш шакли;

**маҳсус ўқиганлик ҳақида сертификат** – баҳоловчи ташкилотлар ва баҳоловчиларнинг профессионал бирлашмалари таклифларини ҳисобга олган ҳолда ваколатли орган томонидан тасдиқланадиган дастур бўйича баҳоловчи баҳоловчиларни тайёрлаш марказида маҳсус ўқиганлигини тасдиқловчи хужжат;

**талабгор** – малака сертификатини олишга талабгор бўлган жисмоний шахс.

3. Баҳоловчиларни тайёрлаш марказлари ваколатли орган томонидан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган бўлиши ва замонавий ўқув талабларига жавоб бериши, шунингдек, зарур техник асбоб-ускуналар (компьютер, овозли видеокамера, интернет алоқаси ва бошқалар) билан таъминланган ҳамда талабгорлар учун масофавий таълим бериш имкониятларига эга бўлиши керак.

4. Малака сертификатига эга бўлган ҳар бир баҳоловчи малака сертификати олинган йилдан кейинги йилдан бошлаб ҳар йили баҳоловчи ташкилотлар ва баҳоловчиларнинг профессионал бирлашмаларининг таклифлари ҳисобга олинган ҳолда ваколатли орган томонидан тасдиқланган малака ошириш дастурлари бўйича камидага 40 соатлик малака ошириш курсларидан ўтиши шарт.

5. Малака сертификати давлат хизматлари марказлари (кейинги ўринларда – марказ) ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – ЯИДХП) орқали ваколатли орган томонидан ушбу Регламентга мувофиқ талабгор малака имтиҳонини муваффакиятли топширган тақдирда берилади.

6. Марказлар ва ваколатли орган ўртасидаги ахборот алмашинуви идентификация қилиш воситаларини мажбурий тартибда қўллаш орқали фақат идоралараро ўзаро электрон ҳамкорлик ёрдамида амалга оширилади.

7. Талабгор қўйидаги талабларга жавоб бериши керак:

олий иқтисодий, юридик ёки техникавий маълумотга, баҳоловчи ёки баҳоловчининг ёрдамчиси лавозимида сўнгги беш йилда камидаги бир йил иш стажига ёхуд олий маълумотга эга бўлиши, бунда хорижий давлатларда олинган олий маълумот ёки илмий даража белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасида тан олинган тақдирда инобатга олинади.

ваколатли орган томонидан белгиланган тартибда келишилган дастур бўйича ва баҳолаш ташкилотлари ҳамда баҳоловчилар профессионал бирлашмаларининг таклифларини ҳисобга олинган ҳолда маҳсус ўқиганлиги ҳақида сертификатга эга бўлиши.

“Баҳолаш иши: баҳолаш фаолияти ва риэлторлик (объектлар бўйича) (5А231501)” ёки “Кўчмас мулкни экспертиза қилиш ва бошқариш: Кўчмас мулкни баҳолаш ва бошқариш (5А340901)” мутахассислиги бўйича олий маълумотга эга бўлган ёки баҳоловчининг халқаро сертификатига эга бўлган талабгор маҳсус ўқувдан ўтмасдан малака имтиҳонини топширишга ҳақли.

## 2-боб. Малака имтиҳонини ўтказиш тартиби

8. Баҳоловчиларнинг малака имтиҳонини ўтказиш ва уларга малака сертификатини бериш бўйича давлат хизматлари мазкур Регламентга 1-иловага мувофиқ схема асосида кўрсатилади.

9. Талабгор ўзи келиб мурожаат этган тақдирда, марказ ходими талабгор номидан, ЯИДХП орқали мурожаат қилинган ҳолларда эса – талабгор мустақил равишда ушбу Регламентга 2-иловага мувофиқ шаклдаги сўровномани электрон равишда тўлдиради ва унга қўйидаги хужжатларни илова қиласи:

олий маълумот тўғрисидаги диплом ёхуд хорижий таълим муассасасида олинган олий маълумот тўғрисидаги хужжат (Ўзбекистон Республикасида тан олинган) тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

3,5 x 4,5 см ҳажмдаги электрон фотосурат;

баҳоловчиларни тайёрлаш марказларида маҳсус ўқув курсини тугатганлиги тўғрисидаги сертификатнинг нусхаси;

баҳоловчининг халқаро сертификати нусхаси (халқаро баҳоловчи сертификатига эга талабгорлар учун);

мехнат дафтарчасининг нусхаси (баҳоловчи ёки баҳоловчининг ёрдамчиси сифатида иш стажининг борлигини тасдиқлайдиган “Электрон меҳнат дафтарчаси” тизимидан кўчирма).

Талабгорнинг сўровномасида унинг электрон манзили кўрсатилиши мумкин. Сўровномада талабгор электрон манзилининг кўрсатилганлиги унинг сўровнома бўйича қабул қилинган қарор ҳақида ахборот тизими орқали хабарнома олишга розилигини англатади.

Талабгордан мазкур бандда назарда тутилмаган бошқа ҳужжатларни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

10. Сўровномага зарур маълумотлар расмийлаштирилиб, киритилгандан сўнг талабгор уни ўз электрон рақамли имзоси (кейинги ўринларда – ЭРИ) билан тасдиқлайди.

Марказга келиб мурожаат этилган тақдирда ва сўровномани ЭРИ билан тасдиқлаш имконияти бўлмаган ҳолларда имзолар идентификация қилишнинг бошқа воситалари (дактилоскопия, электрон имзо ва бошқалар) орқали ҳам тасдиқланиши мумкин.

11. Давлат хизматларини кўрсатиш учун базавий ҳисоблаш микдорининг бир баравари микдорида йигим ундирилади.

Давлат хизматларини кўрсатиш учун йигим тўланганлиги ахборот-коммуникация тизимлари орқали тасдиқланади.

Ариза берувчи давлат хизмати кўрсатилиши учун ЯИДХП орқали мурожаат этган тақдирда, тегишли прейскурантга асосан йигим суммасининг 90 фоизи ундирилади.

12. Йигимлар суммаси қуидаги тартибда тақсимланади:

а) марказ орқали мурожаат этилганда:

базавий ҳисоблаш микдорининг 20 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисобварағига;

колган маблағлар – ваколатли органнинг ҳисобварағига ўтказилади.

б) ЯИДХП орқали мурожаат этилганда:

базавий ҳисоблаш микдорининг 10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисобварағига;

базавий ҳисоблаш микдорининг 11,25 фоизи – Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон хукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича маҳсус ҳисобварагига;

қолган маблағлар – ваколатли органнинг ҳисобварагига ўтказилади.

13. Талабгор томонидан хужжатлар тўлиқ бўлмаган ҳажмда тақдим этилганда, сўровнома ва унга илова қилинадиган хужжатларда нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар мавжуд бўлганда ваколатли орган талабгорнинг илтимосномасига асосан 5 иш куни ичидаги хатоларни бартараф этиш ва етишмаётган хужжатларни тақдим этиш имкониятини беради.

Талабгорлар томонидан юқорида назарда тутилган муддатда хатолар бартараф этилмаган ёки етишмаётган хужжатлар тақдим этилмаган тақдирда, ваколатли орган томонидан сўровномани қабул қилиш рад этилади ва ўша куни бу ҳақида талабгор хабардор қилинади.

Сўровномани қабул қилишни бошқа сабабларга кўра рад этиш қатъяян тақиқланади.

14. Талабгор давлат хизматларидан фойдаланишда уларни кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида бош тортиш хуқуқига эга. Талабгор давлат хизматларидан фойдаланишдан бош тортганда, унинг сўровномаси кўриб чиқилмасдан қолдирилади ва тўланган йигим суммаси қайтарилмайди.

15. Талабгор марказга келиб мурожаат этганда, унинг сўровномаси марказ ходими томонидан тўлдирилиб, талабгор томонидан тасдиқлангандан сўнг ушбу Регламентнинг 9-бандида назарда тутилган хужжатлар илова қилинган ҳолда ўн дақиқада ваколатли органга электрон шаклда юборилади. ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда эса сўровнома автоматик тарзда ваколатли органга юборилади.

16. Ваколатли орган сўровнома тушган кундан бошлаб бир кун муддатда талабгорнинг малака имтиҳонига қўйилиши ёки қўйилмаслиги ҳақида қарор қабул қиласиди, ушбу Регламентнинг 13-бандида назарда тутилган муддатдан сўнг сўровнома тушган кундан бошлаб бир кун муддатда талабгорнинг малака имтиҳонига қўйилиши ёки қўйилмаслиги ҳақида қарор қабул қиласиди.

17. Талабгорни малака имтиҳонига қўйиш юзасидан қарор қабул қилинганда имтиҳонга қўйилганлар рўйхати имтиҳон комиссиясига топширилади. Бунда малака имтиҳони гурухлар шаклланишига қараб, талабгорларнинг сўровномалариiga асосан имтиҳон комиссияси назорати остида ваколатли орган ёки унинг ҳудудий бошқармалари биносида, икки ойда камида бир марта малака имтиҳонлари ўтказилади.

18. Имтиҳон комиссияси таркиби ва тест саволлари ваколатли орган томонидан тасдиқланади. Имтиҳон комиссияси таркибига ваколатли орган ходимлари, шунингдек, баҳоловчи ташкилотлар ва баҳоловчиларнинг профессионал бирлашмалари вакиллари киритилади.

19. Малака имтиҳонига қўйилган талабгорлар рўйхати ваколатли органнинг расмий веб-сайтида мавжуд имтиҳон санасидан беш кун олдин жойлаштирилади.

20. Малака имтиҳонини ўтказиш куни, вақти ва жойи тўғрисида маълумот ваколатли органнинг расмий веб-сайтида мавжуд имтиҳон санасидан ўн беш кун олдин жойлаштирилади.

21. Малака имтиҳонига қўйилиши рад этилган талабгор марказга ёки ЯИДХП орқали рад этишга сабаб бўлган камчиликларни бартараф этгандан кейин З иш кунида қайта сўровнома бериши мумкин.

Такрорий топширилган хужжатлар кўриб чиқилганлиги учун йигим ундирилмайди.

Камчиликлар бартараф этилганлиги ҳақидаги сўровнома олинган кундан бошлаб икки иш куни давомида ваколатли орган томонидан тақдим этилган хужжатлар такроран кўриб чиқилади.

Хужжатларни такроран кўриб чиқиша ваколатли орган томонидан аввалги рад этиш учун асосларда баён этилмаган сабаблар келтирилишига йўл қўйилмайди, аввал кўрсатилган сабаблар бартараф этилганлигини тасдиқловчи маълумотлар билан боғлиқ рад этиш сабаблари келтирилиши бундан мустасно.

22. Малака имтиҳонини топширишда талабгор фуқаролик паспорти, идентификация ID-картаси ёки шахсини тасдиқловчи бошқа хужжатнинг аслини тақдим этади. Паспорт ёки унинг шахсини тасдиқловчи бошқа хужжатга эга бўлмаган ёхуд малака имтиҳонига кечиккан талабгорлар келмаган ҳисобланади ва навбатдаги малака имтиҳонидан ўтадиган талабгорлар рўйхатига киритилади, бу ҳақида талабгор марказда (ўзи келиб мурожаат қилган тақдирда) ёки ЯИДХП орқали (электрон тарзда мурожаат этган тақдирда) уч иш кунидан кечиктирмай хабардор қилинади.

23. Агар талабгор тегишли тарзда хабардор қилинганидан кейин икки марта малака имтиҳонини топшириш учун келмаса, тақдим этилган хужжатлар талабгорга қайтарилади. Бунда малака имтиҳонидан ўтиш учун тўланган йигим суммаси қайтариб берилмайди.

Хужжатларни қайта топшириш мазкур Регламентда белгиланган умумий тартибда амалга оширилади.

24. Малака имтиҳони компьютерда топшириладиган тест синовлари орқали талабгорнинг танловига кўра ўзбек ёки рус тилида ўтказилади.

Малака имтиҳонининг шаффоғлиги ва холислигини таъминлаш мақсадида малака имтиҳонини ўтказиш жараёни узлуксиз равища видеөёзувга (овозли) туширилади, видеотасвир ваколатли органда уч йил мобайнида сақланади.

Малака имтиҳонини ўтказиш жараёнини узлуксиз равища видеөёзувга (овозли) тушириш учун ваколатли орган ва унинг худудий бошқармалари малака имтиҳонларини ташкил этган ҳолда алоҳида тест хоналарини ажратади ҳамда уларни замонавий техник асбоб-ускуналар (компьютер, овозли видео камера, интернет алоқа ва бошқалар) билан таъминлаб талабгорлар учун тегишли шарт-шароитлар яратади.

25. Тест саволлари варианtlари ва уларнинг жавоблари баҳоловчи ташкилотлар ва баҳоловчиларнинг профессионал бирлашмалари, шунингдек, баҳоловчиларни тайёрлаш марказлари таклифларини ҳисобга олган ҳолда ваколатли орган томонидан тасдиқланган баҳоловчиларнинг ўкув дастури асосида ишлаб чиқлади.

Тест саволлари қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда янгилаб борилади.

26. Тест синови ўкув дастурининг барча бўлимларини акс эттирадиган камида 75 та саволдан иборат бўлади ва умумий имтиҳон вақти давомийлиги 45 дақиқани ташкил этади.

70 фоиздан кам бўлмаган саволларга тўғри жавоб берган талабгор малака имтиҳонидан ўтган ҳисобланади.

27. Малака имтиҳонини топшириш жараёнида талабгорга қуидагилар тақиқланади:

қонун ҳужжатлари ва йўриқнома материаллар, ахборотномалар ва маҳсус адабиётлардан фойдаланиш;

мобил алоқа воситаси ва бошқа алоқа воситаларидан фойдаланиш;

бощқа талабгорлар билан сұхбатлашиш;

тест синови кабинетидан ташқарига чиқиш (тест синови ўтаётган хонадан ташқарига чиқсан шахслар қайта ичкарига киритилмайди).

Ушбу талабларни бузган талабгорлар тест синови ўтаётган хонадан чиқарип юборилади ва малака имтиҳонидан ўтмаган ҳисобланади.

Бегона шахсларга малака имтиҳонида иштирок этишга рухсат берилмайди.

28. Малака имтиҳонидан ўтмаган талабгор малака имтиҳонини тақроран топшириш учун малака имтиҳони ўтказилган кундан бошлаб камида бир ой вақт ўтгандан сўнг ушбу Регламентда белгиланган тартибда малака имтиҳонидан ўтиш учун тақроран мурожаат қилишга ҳақли.

29. Малака имтиҳонининг натижалари малака имтиҳони ўтказилган кундан сўнг икки кун муддатда ваколатли органнинг буйруғи билан тасдиқланади ва ваколатли органнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилади.

30. Талабгорларнинг тест жавоблари ҳамда имтиҳон комиссиясининг баённомалари ваколатли органда сақланади.

### **3-боб. Малака сертификатини расмийлаштириш, бериш ва малака сертификатларининг реестрини юритиш**

31. Ваколатли орган QR-код (матрик штрихли код) кўйилган малака сертификатини расмийлаштиради ва уни ўз ЭРИси билан тасдиқлайди ҳамда икки кун муддатда марказларга (ўзи келиб мурожаат этган тақдирда) ёки талабгорга (электрон тарзда мурожаат этган тақдирда) ЯИДХП орқали юборади, ушбу малака сертификати Ўзбекистон Республикасининг барча худудларида юридик кучга эга бўлади.

32. Малака сертификати мазкур Регламентга З-иловага мувофиқ шаклда расмийлаштиради ва берилган малака сертификатларининг реестрига (кейинги ўринларда – реестр) тегишли ёзув киритилади.

33. Ваколатли орган томонидан берилган малака сертификатларининг реестри юритилади ва унда қуйидаги маълумотлар қайд этилади:

малака сертификати олинган сана, уни олган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми;

шахсини тасдиқловчи (паспорт) маълумотлар ва яшаш манзили;  
иш жойи;

малака сертификатининг ҳисобга олиш серияси, рақами ва берилган санаси;

малака сертификатининг амал қилиш муддати узайтирилганлиги, амал қилиши тўхтатилганлиги, бекор қилинганлиги ва қайта расмийлаштирилганлиги тўғрисида маълумотлар.

Реестр электрон шаклда юритилади.

Реестр шакли ваколатли орган томонидан тасдиқланади.

34. Реестрга киритилган баҳоловчига тааллуқли шахсини тасдиқловчи (паспорт) маълумотлари ва яшаш манзили каби шахсий маълумотлардан ташқари барча маълумотлар, улар билан танишиб чиқиш учун оммабоп бўлиб, ваколатли органнинг расмий веб-сайтида чоп этилади.

35. Марказлар малака сертификати олингандан сўнг ўн дақиқа мобайнида уни талабгорнинг электрон манзилига юборади ва талабгорни бу ҳақида ахборот-коммуникация тизими орқали хабардор қиласи. Ўзи келиб мурожаат қилган тақдирда, унинг сўровига кўра марказлар талабгорга малака сертификатини электрон ёки қофоз шаклда тақдим этиши мумкин.

#### **4-боб. Апелляцияни кўриб чиқиши**

36. Малака имтиҳонидан ўта олмаган талабгор малака имтиҳони ўтказилган кундан бошлаб ўттиз календарь кун ичida ваколатли органга апелляция бериш ҳуқуқига эга. Апелляция ёзма равишда тақдим этилади.

Имтиҳон комиссияси бир ҳафта муддатда киритилган апелляцияни кўриб чиқади ва ваколатли орган белгилаган муддатда талабгорга қабул қилинган қарор ҳақида ёзма равишда хабар беради.

37. Апелляцияни кўриб чиқиши натижалари юзасидан ваколатли орган томонидан қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

имтиҳон натижаларини (ёзма равишда асосланган хат асосида) ўзгаришсиз қолдириш ва апелляцияни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида;

апелляцияни қаноатлантириш ва талабгор малака имтиҳонини топширган деб ҳисоблаш тўғрисида.

38. Малака имтиҳони натижаларини ўзгаришсиз қолдириш ва апелляцияни қаноатлантириши рад этиш тўғрисидаги қарор қўйидаги ҳолларда қабул қилинади:

апелляция мазкур Регламент талабларини бузган ҳолда тақдим этилган бўлса;

апелляцияда кўрсатилган важлар ўз тасдигини топмаса.

39. Малака имтиҳонини такроран ўтказиш тўғрисидаги қарор апелляция берган талабгорниң малака имтиҳони мазкур Регламент талабларига зид равишда ўтказилганлиги ҳолатлари аниқланган тақдирда қабул қилинади.

40. Ваколатли орган томонидан апелляция берган талабгор учун малака имтиҳонини такроран ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, такрорий малака имтиҳони мазкур Регламентда белгиланган тартибда ўтказилади.

41. Талабгор такроран апелляция бериши мумкин эмас.

42. Ваколатли органнинг қарори устидан қонун хужжатларида белгиланган тартибга судга шикоят қилиниши мумкин.

## **5-боб. Малака сертификатининг амал қилиш муддатини узайтириш ва қайта расмийлаштириш**

43. Баҳоловчи малака сертификатининг амал қилиш муддати тугашига қадар ваколатли органга малака сертификати муддатини узайтириш учун малака имтиҳонини топшириш тўғрисида мазкур Регламентга 2-иловага мувофиқ сўровнома билан мурожаат қиласи. Сўровномага қўйидаги хужжатлар илова қилиниши лозим:

малака ошириш курсларини тамомлаганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг нусхаси;

ҳар йили малака ошириш курсидан ўтганлиги ҳақидаги ҳужжатлар бўлмаган тақдирда, баҳоловчи маҳсус ўқувдан ўтганлик ҳақидаги сертификатининг нусхаси.

44. Малака сертификатининг амал қилиш муддатини узайтириш учун базавий ҳисоблаш микдорининг бир баравари микдорида йиғим ундирилади.

Малака сертификатининг амал қилиш муддатини узайтириш учун йиғим тўланганлиги ахборот-коммуникация тизимлари орқали тасдиқланади.

Ариза берувчи давлат хизмати кўрсатилиши учун ЯИДХП орқали мурожаат этганда, тегишли прейскурантга асосан йиғим суммасининг 90 фоизи ундирилади.

Йиғимлар мазкур Регламентнинг 12-бандида белгиланган тартибда тақсимланади.

45. Талабгор томонидан ҳужжатлар тўлиқ бўлмаган ҳажмда тақдим этилганда, сўровнома ва унга илова қилинадиган ҳужжатларда нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар мавжуд бўлганда ваколатли орган талабгорниг илтимосномасига асосан 5 иш куни ичида хатоларни бартараф этиш ва етишмаётган ҳужжатларни тақдим этиш имкониятини беради.

Сўровномани қабул қилишни бошқа сабабларга кўра рад этиш қатъиян тақиқланади.

46. Талабгор давлат хизматларидан фойдаланишда уларни кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида бош тортиш хуқуқига эга. Талабгор давлат хизматларидан фойдаланишдан бош тортганда, унинг сўровномаси кўриб чиқилмасдан қолдирилади ва тўланган йифим суммаси қайтарилмайди.

47. Талабгор марказга келиб мурожаат этганда, унинг сўровномаси марказ ходими томонидан тўлдирилиб, талабгор томонидан тасдиқлангандан сўнг ушбу Регламентнинг 9-бандида назарда тутилган ҳужжатлар илова қилинган ҳолда ўн дақиқада ваколатли органга электрон шаклда юборилади. ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда эса сўровнома автоматик тарзда ваколатли органга юборилади.

48. Малака сертификати муддатини узайтириш мазкур Регламентнинг 47-бандида белгиланган талабларга риоя этилганда ва баҳоловчи малака имтиҳонини муваффақиятли топширган тақдирда амалга оширилади.

Малака сертификатининг амал қилиш муддати малака имтиҳони натижалари тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб беш йилга узайтирилади ва ваколатли орган ЭРИси билан тасдиқланади ҳамда икки кун муддатда марказга (ўзи келиб мурожаат этган тақдирда) ёки талабгорга (электрон тарзда мурожаат этган тақдирда) ЯИДХП орқали юборилади. Ушбу малака сертификати Ўзбекистон Республикасининг барча худудларида юридик кучга эга бўлади.

49. Малака сертификати қайта расмийлаштирилганда реестрга тегишли ўзгартиришлар киритилади.

50. Паспортда кўрсатилган талабгорниг фамилияи, исми, отасининг исми ўзгартирилган ёки паспорти ўзгартирилган тақдирда, баҳоловчи бир ой давомида ваколатли органга расмийлаштириш тўғрисида ушбу маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда марказлар ёки ЯИДХП орқали ушбу Регламентга 2-иловага мувофиқ шаклдаги сўровномани топшириши шарт.

51. Малака сертификатининг қайта расмийлаштирилиши баҳоловчи томонидан сўровнома берилган пайтдан бошлаб беш иш куни мобайнида амалга оширилади, бунда тегишли ўзгартиришлар реестрга киритилади.

Малака сертификатини қайта расмийлаштиришда баҳоловчидан базавий ҳисоблаш микдорининг эллик фоизи микдорида йифим ундирилади.

Давлат хизматларини кўрсатиш учун йифим тўланганлиги ахборот-коммуникация тизимлари орқали тасдиқланади.

Давлат хизматларини кўрсатиш учун ЯИДХП орқали мурожаат этилганда йигим суммасининг 90 фоизи ундирилади.

Йигимлар мазкур Регламентнинг 12-бандида белгиланган тартибда тақсимланади.

#### **6-боб. Якунловчи қоидалар**

52. Давлат хизматлари марказлари ва ваколатли орган ўз фаолиятини амалга ошириши натижасида олинган маълумотларнинг сир сақланишини таъминлайди.

53. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги, унинг ҳудудий бошқармалари ва Давлат хизматлари марказлари ушбу Регламентнинг талаблари ижроси бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятини доимий назорат қиласида мониторинг олиб боради.

54. Талабгор давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

55. Ушбу Регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Баҳоловчиларнинг малака имтиҳонини ўтказиш ва уларга  
малака сертификатини бериш бўйича давлат хизматлари  
кўрсатишнинг маъмурий регламентига  
1-илова

**Баҳоловчиларнинг малака имтиҳонини ўтказиш ва уларга малака сертификатини  
бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатиш  
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-bosqich	Талабгор	Малака сертификатини олиш учун Давлат хизматлари марказига ўзи келган холда ёки ЯИДХП орқали мурожаат қиласди	Ўз хоҳишига кўра
2-bosqich	1. Давлат хизматлари маркази 2. ЯИДХП	1. Сўровнома шаклини тўлдириб, ваколатли органга юборади. 2. Тўлдирилган сўровнома автоматик тарзда ваколатли органга юборилади.	1. Сўровнома тўлдирилгандан кейин 10 дақиқада 2. Аниқ вақт режимида
3-bosqich	Ваколатли орган	Ариза тушгандан сўнг малака имтиҳонига қўйиш ёки рад этиш мақсадга мувофиқлигини ўрганиб чиқади ва тегишли қарор қабул қиласди.	1 кун муддатда
	Ваколатли орган	Малака имтиҳонига қўйилган талабгорлар рўйхати ваколатли органнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилади.	Имтиҳон санасидан 5 кун олдин
4-bosqich	Ваколатли орган	Малака имтиҳони натижалари тўғрисидаги қарор қабул қилингандан сўнг малака сертификатини QR-код (матрик штрихли код) билан расмийлаштиради ва уни ўз ЭРИси билан тасдиқлайди, марказлар (ўзи келиб мурожаат этган тақдирда) ёки талабгорга (электрон тарзда мурожаат этган тақдирда) ЯИДХП орқали юборади.	2 кун муддатда
5-bosqich	Давлат хизматлари маркази	1. Малака сертификати олингандан сўнг уни талабгорнинг электрон манзилига юборади ва талабгорни бу ҳақда ахборот- коммуникация тизими орқали хабардор қиласди. 2. Талабгор ўзи келиб мурожаат қилганда рухсатномани электрон ёки қофоз шаклида талабгорга тақдим этади.	1. 10 дақиқада  2. Талабгорнинг сўровига кўра

Баҳоловчиларнинг малака имтиҳонини ўтказиш ва уларга  
малака сертификатини бериш бўйича давлат хизматлари  
кўрсатишинг маъмурий регламентига  
2-илова

**Баҳоловчиларнинг малака имтиҳонини ўтказиш ва уларга малака сертификатини  
бериш бўйича давлат хизматларидан фойдаланиш учун  
СЎРОВНОМА**

(санаси)

(раками)

1. Ф.И.О.:	
2. Паспорт маълумотлари (серияси ва рақами, жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами, агар мавжуд бўлса):	
3. Маълумоти (олий таълим муассасаси номи, факультет)	
3.1. Тамомлаган йили, диплом рақами	
3.2. Диплом бўйича мутахассислиги	
4. Баҳоловчиларни ўқитиш марказлари маҳсус ўқув курсининг сертификати рақами ва берилган вақти (нусха ёки электрон шаклда илова қилинади)	
5. 3,5 x 4,5 см ҳажмдаги электрон фотосурат	
6. Баҳоловчининг халқаро сертификати рақами ва берилган вақти (нусха ёки электрон шаклда илова қилинади, агар мавжуд бўлса)	
7. Мехнат дафтарчасидан иш стажи ҳақидаги маълумотлар ёки “Электрон ишчи дафтар” тизимидан кўчирма:	
8. Манзили:	
9. Мобил телефони, электрон почта манзили (e-mail):	
10. Баҳоловчининг малака сертификатини олиш учун, малака имтиҳонини топшириш учун	
11. Баҳоловчининг малака сертификати амал қилиш мuddатини узайтириш учун, малака имтиҳонини топшириш учун	
12. Баҳоловчининг малака сертификатини қайта расмийлаштириш учун*	

\**Кайта расмийлаштириши учун малака имтиҳонини топшириши талаб этилмайди.*

Баҳоловчиларнинг малака имтиҳонини ўтказиш ва уларга  
малака сертификатини бериш бўйича давлат хизматлари  
кўрсатишнинг маъмурий регламентига  
3-илова



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI DAVLAT AKTIVLARINI  
BOSHQARISH AGENTLIGI**  
—sonli

**BAHOLOVCHINING MALAKA SERTIFIKATI**

Foto

Toshkent sh.

(berilgan vaqt)

O'zbekiston Respublikasi Davlat aktivlarini boshqarish agentligi tomonidan

(kimga – baholovchining F. I. O.)

(baholovchining malaka sertifikati berilgan sana va amal qilish muddati)

Pasport ma'lumotlari: \_\_\_\_\_  
Vakolatli shaxs \_\_\_\_\_  
(F. I. O.)

O'zbekiston Respublikasi hududida ro'yxatga olingan baholash tashkiloti nomidan  
mulkni baholashga ruxsat berildi va sertifikatnagan baholovchi toifasi berildi.

O'zbekiston Respublikasi Davlat  
aktivlarini boshqarish agentligi  
(vakolatli shaxs)

QR-kod

Baholovchi malaka sertifikatining muddati “\_\_\_” 20\_\_\_yildan  
“\_\_\_” 20\_\_\_yilgacha uzaytirildi.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2020 йил 23 ” дикабрдаги 305-сон қарорига  
2-илова

**Риэлторларнинг малака имтиҳонини ўтказиш ва уларга малака  
сертификатини бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишининг  
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Регламент риэлторларни малака имтиҳонини ўтказиш ва малака сертификатини бериш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Регламентда куйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**риэлтор** – риэлторлик фаолиятини тартибга соловчи ваколатли орган томонидан белгиланган тартибда берилган риэлторнинг малака сертификатига эга бўлган жисмоний шахс;

**риэлторнинг малака сертификати** (кейинги ўринларда – малака сертификати) – жисмоний шахсга риэлторнинг малакасини тасдиқловчи ва риэлторлик ташкилоти номидан риэлторлик хизматлари кўрсатиш ҳукуқини берадиган хужжат. Малака сертификати беш йил муддатга берилади ва унинг амал қилиш муддати беш йил муддатга узайтирилиши мумкин;

**риэлторлик фаолиятини тартибга соловчи ваколатли орган** (кейинги ўринларда – ваколатли орган) – Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги;

**малака имтиҳони** – талабгорнинг риэлтор фаолияти соҳасидаги касбий билимларини текшириш шакли;

**махсус ўқиганлик ҳақида сертификат** – риэлторлик ташкилотлари ва риэлторлик фаолияти соҳасидаги риэлторлик ташкилотларининг жамоат бирлашмалари таклифларини ҳисобга олган ҳолда ваколатли орган томонидан тасдиқланадиган 60 соатдан кам бўлмаган дастур бўйича риэлтор риэлторларни тайёрлаш марказида маҳсус ўқиганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

**талабгор** – малака сертификатини олишга талабгор бўлган жисмоний шахс;

3. Риэлторларни тайёрлаш марказлари ваколатли орган томонидан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган бўлиши ва замонавий ўқув талабларига жавоб бериши, шунингдек, зарур техник асбоб-ускуналар (компьютер, овозли видеокамера, интернет алоқаси ва бошқалар) билан таъминланган ҳамда талабгорлар учун масофавий таълим бериш имкониятларига эга бўлиши керак.

4. Малака сертификатига эга бўлган ҳар бир жисмоний шахс малака сертификати олинган йилдан кейинги йилдан бошлаб ҳар уч йилда камидан бир марта риэлторлик фаолияти соҳасидаги риэлторлик ташкилотларининг жамоат бирлашмалари таклифларини инобатга олган ҳолда ваколатли орган томонидан тасдиқланган малака ошириш дастурлари бўйича 20 соатдан кам бўлмаган ҳажмда малака ошириш курсларида ўқиши шарт.

5. Малака сертификати давлат хизматлари маркази (кейинги ўринларда – марказ) ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат ҳизматлари портали (кейинги ўринларда – ЯИДХП) орқали ваколатли орган томонидан ушбу Регламентга мувофиқ талабгор малака имтиҳонини муваффақиятли топширган тақдирда берилади.

6. Марказлар ва ваколатли орган ўртасидаги ахборот алмашинуви идентификация қилиш воситаларини мажбурий тартибда қўллаш орқали фақат идоралараро ўзаро электрон ҳамкорлик ёрдамида амалга оширилади.

7. Талабгор қўйидаги талабга жавоб бериши керак:

ваколатли органи томонидан белигиланган тартибда келишилган дастур бўйича ва риэлторлик фаолияти соҳасидаги риэлторлик ташкилотларининг жамоат бирлашмалари таклифларини инобатга олган ҳолда маҳсус ўкувдан ўтганлик ҳақида сертификатга эга бўлиши.

## **2-боб. Малака имтиҳонини ўтказиш таркиби**

8. Риэлторларнинг малака имтиҳонини ўтказиш ва уларга малака сертификатини бериш бўйича давлат хизматлари мазкур Регламентга 1-иловага мувофиқ схема асосида кўрсатилади.

9. Талабгор ўзи келиб мурожаат этган тақдирда марказ ходими талабгор номидан, ЯИДХП орқали мурожаат қилинган ҳолларда эса – талабгор мустақил равишда ушбу Регламентга 2-иловага мувофиқ шаклдаги сўровномани электрон равишда тўлдиради ва унга қўйидаги ҳужжатларни илова қиласди:

3,5 x 4,5 см ҳажмдаги электрон фотосурат;

риэлторларни тайёрлаш марказларида маҳсус ўкув курсини тутагтганлиги тўғрисидаги сертификатнинг нусхаси.

Талабгорнинг сўровномасида унинг электрон манзили кўрсатилиши мумкин. Сўровномада талабгор электрон манзилининг кўрсатилганлиги унинг сўровнома бўйича қабул қилинган қарор ҳақида ахборот тизими орқали хабарнома олишга розилигини англатади.

Талабгордан мазкур бандда назарда тутилмаган ҳужжатларни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

10. Сўровномага зарур маълумотлар расмийлаштирилиб, киритилгандан сўнг талабгор уни ўз электрон рақамли имзоси (кейинги ўринларда – ЭРИ) билан тасдиқлайди.

Марказга келиб мурожаат этилган тақдирда ва сўровномани ЭРИ билан тасдиқлаш имконияти бўлмаган ҳолларда имзолар идентификация қилишнинг бошқа воситалари (дактилоскопия, электрон имзо ва бошқалар) орқали ҳам тасдиқланиши мумкин.

11. Давлат хизматларини қўрсатиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида йифим ундирилади.

Давлат хизматларини қўрсатиш учун йифим тўланганлиги ахборот-коммуникация тизимлари орқали тасдиқланади.

Ариза берувчи давлат хизмати қўрсатилиши учун ЯИДХП орқали мурожаат этган тақдирда, тегишли прейスクрантга асосан йифим суммасининг 90 фоизи ундирилади.

12. Йифимлар суммаси қуидаги тартибда тақсимланади:

а) марказ орқали мурожаат этилганда:

базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисобварағига;

қолган маблағлар – ваколатли органнинг ҳисобварағига ўтказилади.

б) ЯИДХП орқали мурожаат этилганда:

базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисобварағига;

базавий ҳисоблаш миқдорининг 11,25 фоизи – Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон хукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича маҳсус ҳисобварағига;

қолган маблағлар – ваколатли органнинг ҳисобварағига ўтказилади.

13. Талабгор томонидан ҳужжатлар тўлиқ бўлмаган ҳажмда тақдим этилганда, сўровнома ва унга илова қилинадиган ҳужжатларда нотўғри ёки бузиб қўрсатилган маълумотлар мавжуд бўлганда ваколатли орган талабгорнинг илтимосномасига асосан 5 иш куни ичидаги хатоларни бартараф этиш ва етишмаётган ҳужжатларни тақдим этиш имкониятини беради.

Талабгорлар томонидан юқорида назарда тутилган муддатда хатолар бартараф этилмаган ёки етишмаётган ҳужжатлар тақдим этилмаган тақдирда ваколатли орган томонидан сўровномани қабул қилиш рад этилади ва ўша куни бу ҳақида талабгор хабардор қилинади.

Сўровномани қабул қилишни бошқа сабабларга кўра рад этиш қатъяни тақиқланади.

14. Талабгор давлат хизматларидан фойдаланишда уларни кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида бош тортиш хукуқига эга. Талабгор давлат хизматларидан фойдаланишдан бош тортганда, унинг сўровномаси кўриб чиқилмасдан қолдирилади ва тўланган йигим суммаси қайтарилимайди.

15. Талабгор марказга келиб мурожаат этганда, унинг сўровномаси марказ ходими томонидан тўлдирилиб, талабгор томонидан тасдиқлангандан сўнг ушбу Регламентнинг 9-бандида назарда тутилган хужжатлар илова қилинган ҳолда ўн дақиқада ваколатли органга электрон шаклда юборилади. ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда эса сўровнома автоматик тарзда ваколатли органга юборилади.

16. Ваколатли орган сўровнома тушган кундан бошлаб бир кун муддатда талабгорнинг малака имтиҳонига қўйилиши ёки қўйилмаслиги хақида қарор қабул қиласди, ушбу Регламентнинг 13-бандда назарда тутилган муддатдан сўнг сўровнома тушган кундан бошлаб бир кун муддатда талабгорнинг малака имтиҳонига қўйилиши ёки қўйилмаслиги хақида қарор қабул қиласди.

17. Талабгорни малака имтиҳонига қўйиш юзасидан қарор қабул қилинганда имтиҳонга қўйилганлар рўйхати имтиҳон комиссиясига топширилади. Бунда малака имтиҳони гурухлар шаклланишига қараб, талабгорларнинг сўровномалариiga асосан имтиҳон комиссияси назорати остида ваколатли орган ёки унинг ҳудудий бошқармалари биносида, икки ойда камида бир марта малака имтиҳонлари ўтказилади.

18. Имтиҳон комиссияси таркиби ва тест саволлари ваколатли орган томонидан тасдиқланади. Имтиҳон комиссияси таркибига ваколатли орган ходимлари, шунингдек, риэлторлик фаолияти соҳасидаги риэлторлик ташкилотларининг жамоат бирлашмалари вакиллари киритилади.

19. Малака имтиҳонига қўйилган талабгорлар рўйхати ваколатли органнинг расмий веб-сайтида мавжуд имтиҳон санасидан беш кун олдин жойлаштирилади.

20. Малака имтиҳонини ўтказиш куни, вақти ва жойи тўғрисида маълумот ваколатли органнинг расмий веб-сайтида мавжуд имтиҳон санасидан ўн беш кун олдин жойлаштирилади.

21. Малака имтиҳонига қўйилиши рад этилган талабгор марказга ёки ЯИДХП орқали рад этишга сабаб бўлган камчиликларни бартараф этгандан кейин қайта сўровнома бериши мумкин.

Такрорий топширилган хужжатлар кўриб чиқилганлиги учун йигим ундирилилмайди.

Камчиликлар бартараф этилганлиги ҳақидаги сўровнома олинган кундан бошлаб икки иш куни давомида ваколатли орган томонидан тақдим этилган хужжатлар такроран кўриб чиқилади.

Хужжатларни такроран кўриб чиқишида ваколатли орган томонидан аввалги рад этиш учун асосларда баён этилмаган сабаблар келтирилишига йўл қўйилмайди, аввал кўрсатилган сабаблар бартараф этилганлигини тасдиқловчи маълумотлар билан боғлиқ рад этиш сабаблари келтирилиши бундан мустасно.

22. Малака имтиҳонини топширишда талабгор фуқаролик паспорти, идентификация ID-картаси ёки шахсини тасдиқловчи бошқа хужжатнинг аслини тақдим этади. Паспорт ёки унинг шахсини тасдиқловчи бошқа хужжатга эга бўлмаган ёхуд малака имтиҳонига кечиккан талабгорлар келмаган ҳисобланади ва навбатдаги малака имтиҳонидан ўтадиган талабгорлар рўйхатига киритилади, бу ҳақида талабгор марказда (ўзи келиб мурожаат қилган тақдирда) ёки ЯИДХП орқали (электрон тарзда мурожаат этган тақдирда) уч иш кунидан кечиктирмай хабардор қилинади.

23. Агар талабгор тегишли тарзда хабардор қилинганидан кейин уч марта малака имтиҳонини топшириш учун келмаса, тақдим этилган хужжатлар талабгорга қайтарилади. Бунда малака имтиҳонидан ўтиш учун тўланган йифим суммаси қайтариб берилмайди.

Хужжатларни қайта топшириш мазкур Регламентда белгиланган умумий тартибда амалга оширилади.

24. Малака имтиҳони компьютерда топшириладиган тест синовлари орқали талабгорнинг танловига кўра ўзбек ёки рус тилида ўtkaziladi.

Малака имтиҳонининг шаффоғлиги ва холислигини таъминлаш мақсадида малака имтиҳонини ўтказиш жараёни узлуксиз равища видеөёзувга (овозли) туширилади, видеотасвир ваколатли органда уч йил мобайнида сақланади.

Малака имтиҳонини ўтказиш жараёнини узлуксиз равища видеөёзувга (овозли) тушириш учун ваколатли орган ва унинг ҳудудий бошқармалари малака имтиҳонларини ташкил этган ҳолда алоҳида тест хоналарини ажратади ҳамда уларни замонавий техник асбоб-ускуналар (компьютер, овозли видео камера, интернет алоқаси ва бошқалар) билан таъминлаб талабгорлар учун тегишли шарт-шароитлар яратади.

25. Тест саволлари варианлари ва уларнинг жавоблари риэлторлик фаолияти соҳасидаги риэлторларнинг жамоат бирлашмалари, шунингдек, риэлторларни тайёрлаш бўйича ўқув марказларининг таклифларини инобатга олган ҳолда, ваколатли орган томонидан тасдиқланган риэлторларни ўқув дастури асосида ишлаб чиқилади.

Тест саволлари қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда янгилаб борилади.

26. Тест синови ўқув дастурининг барча бўлимларини акс эттирадиган камида 75 та саволдан иборат бўлади ва умумий имтиҳон вақти давомийлиги 45 дақиқани ташкил этади.

70 фоиздан кам бўлмаган саволларга тўғри жавоб берган талабгор малака имтиҳонидан ўтган ҳисобланади.

27. Малака имтиҳонини топшириш жараёнида талабгорга қуидагилар тақиқланади:

қонун ҳужжатлари ва йўриқнома материаллар, маълумотнома ва махсус адабиётлардан фойдаланиш;

мобил алоқа воситаси ва бошқа алоқа воситаларидан фойдаланиш;

бошқа талабгорлар билан суҳбатлашиш;

тест синови ўтаётган хонадан ташқарига чиқиш (тест синови ўтаётган хонадан ташқарига чиққан шахслар қайта ичкарига киритилмайди).

Ушбу талабларни бузган талабгорлар тест синови кабинетидан чиқариб юборилади ва малака имтиҳонидан ўтмаган ҳисобланади.

Бегона шахсларга малака имтиҳонида иштирок этишга рухсат берилмайди.

28. Малака имтиҳонидан ўтмаган талабгор малака имтиҳонини такроран топшириш учун малака имтиҳони ўtkазилган кундан бошлаб камида бир ой вақт ўтгандан сўнг ушбу Регламентда белгиланган тартибда малака имтиҳонидан ўтиш учун такроран мурожаат қилишга ҳақли.

29. Малака имтиҳонининг натижалари малака имтиҳони ўtkазилган кундан сўнг икки кун муддатда ваколатли органнинг буйруғи билан тасдиқланади ва ваколатли органнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилади.

30. Талабгорларнинг тест жавоблари ҳамда имтиҳон комиссиясининг баённомалари ваколатли органда сакланади.

### **3-боб. Малака сертификатини расмийлаштириш, бериш ва малака сертификатларининг реестрини юритиш**

31. Ваколатли орган QR-код (матрик штрихли код) қўйилган малака сертификатини расмийлаштиради ва уни ўз ЭРИси билан тасдиқлайди ҳамда икки кун муддатда марказларга (ўзи келиб мурожаат этган тақдирда) ёки талабгорга (электрон тарзда мурожаат этган тақдирда) ЯИДХП орқали юборади, ушбу малака сертификати Ўзбекистон Республикасининг барча худудларида юридик кучга эга бўлади.

32. Малака сертификати мазкур Регламентга З-иловага мувофиқ шаклда расмийлаштиради ва берилган малака сертификатларининг реестрига (кейинги ўринларда – реестр) тегишли ёзув киритилади.

33. Ваколатли орган томонидан берилган малака сертификатларнинг реестри юритилади ва унда қуйидаги маълумотлар қайд этилади:

малака сертификати олинган сана, уни олган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми;

шахсини тасдиқловчи (паспорт) маълумотлар ва яшаш манзили;

иш жойи;

малака сертификатининг ҳисобга олиш серияси, рақами ва берилган санаси;

малака сертификатининг амал қилиш муддати узайтирилганлиги, амал қилиши тўхтатилганлиги, бекор қилинганлиги ва қайта расмийлаштирилганлиги тўғрисида маълумотлар.

Реестр электрон шаклда юритилади.

Реестр шакли ваколатли орган томонидан тасдиқланади.

34. Реестрга киритилган риэлторга тааллуқли шахсини тасдиқловчи (паспорт) маълумотлари ва яшаш манзили каби шахсий маълумотлардан ташқари барча маълумотлар, улар билан танишиб чиқиш учун оммабоп бўлиб, ваколатли органнинг расмий веб-сайтида чоп этилади.

35. Марказлар малака сертификати олингандан сўнг ўн дақиқа мобайнида уни талабгорниң электрон манзилига юборади ва талабгорни бу ҳақида ахборот-коммуникация тизими орқали хабардор қиласди. Ўзи келиб мурожаат қилган тақдирда, унинг сўровига кўра марказлар талабгорга малака сертификатини электрон ёки қофоз шаклда тақдим этиши мумкин.

#### **4-боб. Апелляцияни кўриб чиқиш**

36. Малака имтиҳонидан ўта олмаган талабгор малака имтиҳони ўтказилган кундан бошлаб ўттиз календарь кун ичida ваколатли органга апелляция бериш хукуқига эга. Апелляция ёзма равищда тақдим этилади.

Имтиҳон комиссияси бир ҳафта муддатда киритилган апелляцияни кўриб чиқади ва ваколатли орган белгилаган муддатда талабгорга қабул қилинган қарор ҳақида ёзма равищда хабар беради.

37. Апелляцияни кўриб чиқиш натижалари юзасидан ваколатли орган томонидан қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

имтиҳон натижаларини (ёзма равищда асосланган хат асосида) ўзгаришсиз қолдириш ва апелляцияни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида;

апелляцияни қаноатлантириш ва талабгор малака имтиҳонини топширган деб ҳисоблаш тўғрисида.

38. Малака имтиҳони натижаларини ўзгаришсиз қолдириш ва апелляцияни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисидаги қарор қўйидаги ҳолларда қабул қилинади:

апелляция мазкур Регламент талабларини бузган ҳолда тақдим этилган бўлса;

апелляцияда кўрсатилган важлар ўз тасдиғини топмаса.

39. Малака имтиҳонини такроран ўтказиш тўғрисидаги қарор апелляция берган талабгорнинг малака имтиҳони мазкур Регламент талабларига зид равища ўтказилганлиги ҳолатлари аниқланган тақдирда қабул қилинади.

40. Ваколатли орган томонидан апелляция берган талабгор учун малака имтиҳонини такроран ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, такрорий малака имтиҳони мазкур Регламентда белгиланган тартибда ўтказилади.

41. Талабгор такроран апелляция бериши мумкин эмас.

42. Ваколатли органнинг қарори устидан қонун хужжатларида белгиланган тартибга судга шикоят қилиниши мумкин.

## **5-боб. Малака сертификатининг амал қилиш муддатини узайтириш ва қайта расмийлаштириш**

43. Риэлтор малака сертификатининг амал қилиш муддати тугашига қадар ваколатли органга малака сертификати муддатини узайтириш учун малака имтиҳонини топшириш тўғрисида мазкур Регламентга 2-иловага мувофиқ сўровнома билан мурожаат қиласи. Сўровномага қўйидаги хужжат илова қилиниши лозим:

малака ошириш курсларини тамомлаганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг нусхаси.

44. Малака сертификатининг амал қилиш муддатини узайтириш учун базавий ҳисоблаш микдорининг бир баравари микдорида йиғим ундирилади.

Малака сертификатининг амал қилиш муддатини узайтириш учун йиғим тўланганлиги ахборот-коммуникация тизимлари орқали тасдиқланади.

Ариза берувчи давлат хизмати кўрсатилиши учун ЯИДХП орқали мурожаат этганда, тегишли прейскурантга асосан йиғим суммасининг 90 фойзи ундирилади.

Йиғимлар мазкур Регламентнинг 12-бандида белгиланган тартибда тақсимланади.

45. Талабгор томонидан хужжатлар тўлиқ бўлмаган ҳажмда тақдим этилганда, сўровнома ва унга илова қилинадиган хужжатларда нотўғри ёки

бузид кўрсатилган маълумотлар мавжуд бўлганда ваколатли орган талабгорнинг илтимосномасига асосан 5 иш куни ичида хатоларни бартараф этиш ва етишмаётган ҳужжатларни тақдим этиш имкониятини беради.

Сўровномани қабул қилишни бошқа сабабларга кўра рад этиш қатъяян тақиқланади.

46. Талабгор давлат хизматларидан фойдаланища уларни кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида бош тортиш хуқуқига эга. Талабгор давлат хизматларидан фойдаланишдан бош тортганда, унинг сўровномаси кўриб чиқилмасдан қолдирилади ва тўланган йифим суммаси қайтарилмайди.

47. Талабгор марказга келиб мурожаат этганда, унинг сўровномаси марказ ходими томонидан тўлдирилиб, талабгор томонидан тасдиқлангандан сўнг ушбу Регламентнинг 9-бандида назарда тутилган ҳужжатлар илова қилинган ҳолда ўн дақиқада ваколатли органга электрон шаклда юборилади. ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда эса сўровнома автоматик тарзда ваколатли органга юборилади.

48. Малака сертификати муддатини узайтириш мазкур Регламентнинг 47-бандида белгиланган талабларга риоя этилганда ва риэлторлар малака имтиҳонини муваффақиятли топширган тақдирда амалга оширилади.

Малака сертификатининг амал қилиш муддати малака имтиҳони натижалари тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб беш йилга узайтирилади ва ваколатли орган ЭРИси билан тасдиқланади ҳамда икки кун муддатда марказга (ўзи келиб мурожаат этган тақдирда) ёки талабгорга (электрон тарзда мурожаат этган тақдирда) ЯИДХП орқали юборилади. Ушбу малака сертификати Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида юридик кучга эга бўлади.

49. Малака сертификати қайта расмийлаштирилганда реестрга тегишли ўзгартиришлар киритилади.

50. Паспортда кўрсатилган талобгорнинг фамилияси, исми, отасининг исми ўзгартирилган ёки паспорти ўзгартирилган тақдирда, риэлтор бир ой давомида ваколатли органга расмийлаштириш тўғрисида ушбу маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда марказлар ёки ЯИДХП орқали ушбу Регламентга 2-иловага мувофиқ шаклдаги сўровномани топшириши шарт.

51. Малака сертификатининг қайта расмийлаштирилиши риэлтор томонидан сўровнома берилган пайтдан бошлаб беш иш куни мобайнида амалга оширилади, бунда тегишли ўзгартиришлар реестрга киритилади.

Малака сертификатини қайта расмийлаштиришда баҳоловчидан базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик фоизи миқдорида йифим ундирилади.

Давлат хизматларини кўрсатиш учун йифим тўланганлиги ахборот-коммуникация тизимлари орқали тасдиқланади.

Давлат хизматларини кўрсатиш учун ЯИДХП орқали мурожаат этилганда йигим суммасининг 90 фоизи ундирилади.

Йигимлар мазкур Регламентнинг 12-бандида белгиланган тартибда тақсимланади.

## **6-боб. Яқунловчи қоидалар**

52. Давлат хизматлари марказлари ва ваколатли орган ўз фаолиятини амалга ошириши натижасида олинган маълумотларнинг сир сақланишини таъминлайди.

53. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Давлат хизматлари агентлиги, унинг ҳудудий бошқармалари ва Давлат хизматлари марказлари ушбу Регламентнинг талаблари ижроси бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятини доимий назорат қиласида мониторинг олиб боради.

54. Талабгор давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

55. Ушбу Регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Риэлторларнинг малака имтихонини ўтказиш ва уларга  
малака сертификатини бериш бўйича давлат хизматлари  
кўрсатишнинг маъмурий регламентига  
1-илова

**Риэлторларнинг малака имтихонини ўтказиш ва уларга малака сертификатини  
бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатиши  
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Талабгор	Малака сертификатини олиш учун Давлат хизматлари марказига ўзи келган холда ёки ЯИДХП орқали мурожаат қиласди	Ўз хоҳишига кўра
2-босқич	1. Давлат хизматлари маркази 2. ЯИДХП	1. Сўровнома шаклини тўлдириб, ваколатли органга юборади. 2. Тўлдирилган сўровнома автоматик тарзда ваколатли органга юборилади.	1. Сўровнома тўлдирилгандан кейин 10 дақиқада 2. Аниқ вақт режимида
3-босқич	Ваколатли орган	Ариза тушгандан сўнг малака имтихонига қўйиш ёки рад этиш мақсадга мувофиқлигини ўрганиб чиқади ва тегишли қарор қабул қиласди.	1 кун муддатда
	Ваколатли орган	Малака имтихонига қўйилган талабгорлар рўйхати ваколатли органинг расмий веб-сайтида жойлаштирилади.	Имтихон санасидан 5 кун олдин
4-босқич	Ваколатли орган	Малака имтихони натижалари тўғрисидаги қарор қабул қилингандан сўнг малака сертификатини QR-код (матрик штрихли код) билан расмийлаштиради ва уни ўз ЭРИси билан тасдиқлайди, марказлар (ўзи келиб мурожаат этган тақдирда) ёки талабгорга (электрон тарзда мурожаат этган тақдирда) ЯИДХП орқали юборади.	2 кун муддатда
5- босқич	Давлат хизматлари маркази	1. Малака сертификати олингандан сўнг уни талабгорнинг электрон манзилига юборади ва талабгорни бу ҳақда ахборот- коммуникация тизими орқали хабардор қиласди. 2. Талабгор ўзи келиб мурожаат қилганда рухсатномани электрон ёки қоғоз шаклида талабгорга тақдим этади.	1. 10 дақиқада  2. Талабгорнинг сўровига кўра

Риэлторларнинг малака имтиҳонини ўтказиш ва уларга  
малака сертификатини бериш бўйича давлат хизматлари  
кўрсатишнинг маъмурий регламентига  
2-илова

**Риэлторларнинг малака имтиҳонини ўтказиш ва уларга малака сертификатини  
бериш бўйича давлат хизматларидан фойдаланиш учун  
СЎРОВНОМА**

(санаси)

(раками)

1. Ф.И.О.:	
2. Паспорт маълумотлари (серияси ва рақами, жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами, агар мавжуд бўлса):	
3. Маълумоти (таълим муассасаси номи, йўналиши)	
3.1. Тамомлаган йили, диплом рақами	
3.2. Диплом бўйича мутахассислиги	
4. Риэлторларни тайёрлаш марказлари махсус ўқув курсининг сертификати рақами ва берилган вақти (нусха ёки электрон шаклда илова қилинади)	
5. 3,5 x 4,5 см ҳажмдаги электрон фотосурат	
6. Риэлторнинг халқаро сертификати рақами ва берилган вақти (нусха ёки электрон шаклда илова қилинади, агар мавжуд бўлса)	
7. Мехнат дафтарчасидан иш стажи ҳақидаги маълумотлар ёки “Электрон ишчи дафтар” тизимидан кўчирма:	
8. Манзили:	
9. Мобил телефони, электрон почта манзили (e-mail):	
10. Риэлторнинг малака сертификатини олиш учун, малака имтиҳонини топшириш учун	
11. Риэлторнинг малака сертификати амал қилиш мuddатини узайтириш учун, малака имтиҳонини топшириш учун	
12. Риэлторнинг малака сертификатини қайта расмийлаштириш учун*	

\* ) Қайта расмийлаштириши учун малака имтиҳонини топшириши талаб этилмайди.



Риэлторларнинг малака имтиҳонини ўтказиш ва уларга  
малака сертификатини бериш бўйича давлат хизматлари  
кўрсатишнинг маъмурий регламентига  
3-илова



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI DAVLAT AKTIVLARINI  
BOSHQARISH AGENTLIGI**

-sonli

**RIELTORNING MALAKA SERTIFIKATI**

Foto

Toshkent sh.

(berilgan vaqt)

O'zbekiston Respublikasi Davlat aktivlarini boshqarish agentligi tomonidan

(kimga – rieltorning F. I. O.)

(rieltorning malaka sertifikati berilgan sana va amal qilish muddati)

Pasport ma'lumotlari: \_\_\_\_\_

Vakolathi shaxs \_\_\_\_\_

(F. I. O.)

O'zbekiston Respublikasi hududida ro'yxatga olingan rieltorlik tashkiloti nomidan  
rieltorlik xizmatlar ko'rsatish ruxsat berildi va sertifikatlangan rieltor toifasi berildi

O'zbekiston Respublikasi Davlat  
aktivlarini boshqarish agentligi  
(vakolatli shaxs)

QR-kod

Rieltorning malaka sertifikatining muddati “\_\_\_” 20\_\_\_ yildan  
“\_\_\_” 20\_\_\_ yilgacha uzaytirildi.